

МУНДАРИЖА

Кириш

1-Боб. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва ҳукукий асослари. _____

1.1. Тадбиркорликни иқтисодиётида тутган ўрни ва уни ташкил этиш асослари. _____

1.2 Республикамизда тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг ҳукукий асослари. _____

2-Боб. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг амалдаги ҳолати таҳлили. _____

2.1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва уни таҳлили. _____

2.2. Халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тартиби ва унинг жорий ҳолати. _____

3-Боб. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашни ривожлантириш масалалари. _____

Хулоса _____

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____

***“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг,
бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам
таянчи бўлиши шарт”.***

Ислом Каримов

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 2013 йил – “Обод турмуш йили”, деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган умумдавлат дастурида белгиланган вазифалар - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, иш билан бандликни, аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, халқ турмуш даражаси ва сифатини ошириш, муносиб уй-жойлар ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш тижорат банклари зиммасига улкан масъулият юкламоқда. Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бормоқда. Ишбилармонлар ўз меҳнати ортидан муносиб турмуш шароитини яратиб, жамият фаровонлигини таъминлашда муносиб улуш қўшмоқда. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодиётни тараққий эттиришнинг, энг аввало жамиятни ижтимоий ва сиёсий янгилаш, шунингдек аҳоли фаровонлигини ва бандлигини ошириш, ички истеъмол бозорини миллий маҳсулотлар билан тўлдириш, ишлаб чиқаришни сифат даражасига кўтариш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг бош дастаги ҳисобланади. Кичик тадбиркорлик субъектлари мослашувчанлик хусусияти туфайли тез орада фаолият йўналишини ўзгартира олади. Катта компаниялар миллионлаб маҳсулот ишлаб чиқариб, тўсатдан бошланган инқироз туфайли сота олмаслиги мумкин. Хусусий тадбиркорлик вакиллари табиийки, бундай вазиятларда осон ечим топадилар. Бу билан айтиш

мумкинки, ҳар қандай иқтисодий танглик шароитидан чиқиб кетиш, хусусий тармоқнинг қандай ривожланганлиги билан баҳоланади. Ҳозирда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда ва уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида микромолиялаш хизматлари кенгайтирилмоқда. Шунга қарамай, ҳамон хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шу сабабли, кичик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби, ажратилаётган кредитларнинг амалий таҳлили ва улардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш зарурдир.

Битирув малакавий ишининг мақсади, кичик бизнесни туб моҳиятига етиш ва уни ривожлантиришнинг иқтисодиётга таъсири, қолаверса молиявий субъектларнинг бу борадаги хатти-ҳаракатларини ўрганиш ва қўшимча тавсиялар беришдан иборатдир. Шу билан бирга ушбу соҳани ривожлантиришнинг асоси бўлиб, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўлганлиги сабабли, биз мавзунини ёритиш давомида кичик бизнесни кредитлаш ва ривожлантиришда банк кредитлари билан бирга хорижий инвестициялар ҳам ушбу соҳага фаол жалб қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилади. Ўзбекистонга чет эл сармоялар оқими кенгайиши муносабати билан, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни асосий вазифаси оммавий ва хусусий манфаатлар, хорижий мамлакатлар, компаниялар, муайян инвесторлар манфаатларини самарали нисбатини белгилаш ҳисобланади. Иқтисодиёт эркинлаша боргани сари, инвестиция фаолиятини давлат тартиблаши кўпроқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳибларини инвестиция фаолиятига кенгроқ жалб этилишига ҳамда бу борада уларни рағбатлантиришга қаратилади.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- Тадбиркорликни иқтисодиётида тутган ўрни ва уни ташкил этиш асосларини ёритиш
- Республикамизда тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш.
- Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг амалиёти .
- Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва уни таҳлили.
- Халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тартиби.
- Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашни ривожлантириш масалалари.

Ҳурматли Президентимиз таъкидлаганларидек, “Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”.

Бизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилаяпти. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни

биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг республикамиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхонлари ва микрофирмалар сони 23,3 мингтага ўсиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 219,4 мингтага (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ошиб, 2013 йил 1 апрель ҳолатига кўра 1,6 трлн. сўмни ташкил этди

Умуман олганда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асоси чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам. Ушбу дастурнинг ўтган 21 йил мобайнида изчил амалга ошириб келиниши собиқ «Марказ»га ҳар томонлама боғланиб қолган аграр, паст технологияли ва самарасиз иқтисодий тузилманинг диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада

¹ 2012 йилда пул кредит соҳасидаги вазиятга монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуксон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни хусусида тўхталиб Президентимиз қуйидагиларни алоҳида эътироф этиб ўтдилар:” Нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда”.

Тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чеклашга йўл қўйилмайди, бу эса умуман тадбиркорлик ҳаракатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини яратади, бизнес билан шуғулланувчиларга янги кафолатлар берилади. Бу борада тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун лицензиялар бериш тизимини такомиллаштириш ва лицензияларни амал қилиши ёки у қайтариб олинган ҳолларда суд орқали тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада ишбилармонлар, инвесторлар ва Халқаро молия институтларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларга ишончи мустаҳкамланади. Қонун бўйича турли шаклдаги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун тенг иқтисодий шароит ва уларни ҳимоя қилиш учун тенг ҳуқуқий кафолатлар билан таъминлашни давлат ўз зиммасига олади. Бу биринчи галда Асосий Қонун - Ўзбекистон Конституциясида ўз аксини топди. Конституциянинг 53-моддасига биноан "...Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”.

Битирув малакавий иши таркиби кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар қисмидан иборат.

1-Боб. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва ҳукукий асослари

1.1. Тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ташкил этиш асослари

Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳам мулкдорлар синфини вужудга келтиришга ёрдам берадиган кичик бизнесни ривожлантиришдир. Кичик бизнес жамият ҳаётининг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига таъсир кўрсатади. Шу боис Ўзбекистон ўзининг мустақиллиги асосида янги иқтисодий ислохотлар йўлини жорий этиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини кенг ривожлантириб, ўзининг қонун-қоидаларига суянган ҳолда тадбиркор, ишбилармон ва бизнесмен кишиларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришга интилмоқда.

Қайси тузум ёки давр бўлмасин тадбиркорлик фаолияти ўз мақомини сақлаб келмоқда. Тарих тадбиркорлик фаолияти эркин иқтисодий шароитда қарор топишини исботлади. Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятини муайян билимларга асосланиб таваккал қилинган ва шахсий мулк иштирок этган фаолият тури сифатида қараш мумкин. Соддароқ айтганда, тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётининг бош бўғинини ташкил этади. Яъни, тадбиркорликнинг қарор топиши натижасида алоҳида пул даромадлари шаклланади. Шунинг учун тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш учун турли усуллар билан қўллаб-қувватлашимиз зарур. Бу билан нафақат аҳоли пул даромадларини оширишга, балки мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга эришилади. Кичик бизнес бу иқтисодиётнинг янги ва қуйи поғонадан шаклланиб келаётган, бир сўз билан айтганда ёш тармоқ сифатида қаралади. Ушбу тармоққа эътиборни кучайтириш иқтисодиётни танглик ҳолатидан чиқиб кетишининг энг тўғри йўл бўлиб хизмат қилади. Хусусий тадбиркорликни ташкил этишдан мақсад иқтисодиётдаги сууст фаолият юргизаётган тармоқларни

фаолилаштириш ҳамда интеграциялашув ёрдамида тармоқларни янги муҳитга ўргатиб боришдан иборат.

Кўпчилик адабиётларда кичик бизнес категориясини хусусийлаштирилган корхоналар термини билан тушунтирадilar. Р. Ходжаевнинг фикрича «Хусусийлаштиришнинг иқтисодий моҳияти - мулкка эгалик, ҳуқуқий давлатдан янгитдан шаклланаётган турли мулкчилик шаклларида корхоналар, муассасалар ва ва айрим шахсга эгалик қилиш ҳуқуқини белгилашни ҳамда давлат томонидан хусусий секторга хизмат кўрсатишини чекланиши ёки хусусий ташаббускорликлари учун кенг имкониятлар берилиши, ижтимоий ҳимояланишини кафолатланишини кучайтиришдир». Бу ерда муаллиф давлат тассаруфида бўлган корхоналарни хусусийлаштириш жараёнини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш сифатида қараган. Аслини олганда хусусийлаштириш жараёни кичик бизнесни ташкил этишнинг дастлабки уриниши сифатида қаралиши лозим. Чунки ушбу жараённинг асосий мақсади кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш ва алоҳида мулкка бўлган эгалик ҳиссини уйғотиш ҳамда кучайтиришдан иборат. Бу эса хусусий тадбиркорликни ташкил этишда жуда муҳим босқич. Хусусийлаштириш жараёни билан кичик бизнесни ташкил этиш ўртасида тафовутлар мавжуд. Биринчидан, хусусийлаштириш жараёнида минглаб ишчиларга эга бўлган катта корхоналар ҳам давлат тассаруфидан чиқарилган, кичик бизнесга эса бундай корхоналар киритилмайди. Иккинчидан кичик бизнесда кичик корхона ва микрофирмалар бошланғич капитал билан ташкил этилса, хусусийлаштириш жараёнида бундай босқичдан ўтиб бўлинган бўлади.

Б. Маматовнинг фикрича «Тадбиркорлик - бу истеъмолчиларнинг товар ва хизматларга бўлган талабини қондириш йўли билан фойда олишга йўналтирилган турли хил хўжалик ҳамда молиявий муносабатларини акс эттирувчи фаолиятни ўзида мужассамлайди». Ушбу фикрда тадбиркорлик фаолияти тушунчасига кенгроқ ёндашилган. Албатта, бозор

иқтисодиётининг асосий талабларидан бири истеъмолчининг эҳтиёжини кондиритиш ҳисобланади. Эҳтиёж кондиритилсагина ундан бирор фойда келиш мумкин.

Чет эл олимлари ҳам бу борада кичик бизнес тушунчасини атрофлича ўрганишган. Жумладан, кичик бизнес соҳасидаги машҳур олим Н. Сирополиснинг фикрича «Тадбиркорлик - бу жонли динамик фаолият ҳисобланиб, унда ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этувчи, уни бошқарувчи ва барча мавжуд рискни ўзига олувчи шахс қатнашади». Ҳақиқатан, кичик бизнес юқорида таъкидланганидек тез ўзгарувчан фаолият ҳисобланади, бу ҳолатда риск ушбу фаолиятда муқобил қарорлардан бирини қабул қилишга ёрдам беради.

Кичик бизнеснинг афзалликларини унинг катта ишлаб чиқаришдан фарқларини аниқлаш керак бўлади. Бу ҳақида В. Я. Горфинкель шундай дейди - «Кичик бизнесни катта ишлаб чиқариш билан солиштирганда унинг қуйидаги афзалликлари намоён бўлади: маҳаллий бозорларга яқинлиги ва мижознинг эҳтиёжларига ёндашув, катта фирмалар учун кичик ҳажмдаги ишлаб чиқариш, бошқарувда оритқча бўлинмалардан холислиги ва бошқалар». Баъзи олимлар кичик бизнесни мустақил фаолият сифатида талқин этадилар. Жумладан, М. Г. Лапуста кичик тадбиркорликни юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ёки ишларни бажариш, товарлар сотуви билан шуғулланиш, мулкдан фойдаланиш орқали фойда олишга қаратилган, ўзининг рисклилиги фаолиятини амалга оширувчи мустақил фаолиятга қиёслайди. О. И. Соснаускин эса кичик тадбиркорликда ўзининг алоҳида хусусиятларига ва афзалликларига эга бўлган жамият иқтисодий ҳаётининг мустақил шаклини кўради.

Е. Ю. Логинев кичик тадбиркорлик муайян мулкчилик шаклига асосланган, катта бўлмаган ишлаб чиқариш ҳажми деб таърифлайди. А. Д. Шеремет кичик бизнесни иқтисодиётдаги аниқ вазифаларини белгилаб беради, яъни унинг асосий вазифаси яқка истеъмол талабининг тез

ўсишида товар ва хизматларнинг кенгрок доирасини яратишдан иборатдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эга ва бунга бугунги кунда ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Хусусий тармоқни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритганимизда, биз, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутаётганимизга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий тармоқ, одатда, кичик бизнес, тадбиркорлик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланади. Бундай давлатларда хусусий тармоқнинг ЯИМдаги улуши 50-60%ни ташкил этади. Меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 65-70%и эса, айнан, мана шу соҳада фаолият кўрсатади. Шу боис, биз аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини ва у ерларда иқтисодий турмуш тарзи ва фаолликни ошириш нақадар муҳимлигини инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий секторни, айнан, кичик ва хусусий бизнес фаолиятини ривожлантириш нақадар зарур эканлигини англаб етиш кийин эмас.

Бизнес - бу муайян хизмат ва маҳсулотларни амалга оширишни (сотиш) барпо этиш йўли билан фойда (даромад) олиш мақсадидаги


субъектларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги иқтисодий фаолиятидир.

"Тадбиркорлик", "бизнес", "хусусий тадбиркорлик", "кичик бизнес" тушунчалари кўпинча бозор иқтисодиётига боғланган холда, унинг унсурлари, унда самарали фаолият юритиш воситалари сифагида талкин этилмоқда. Айни чоғда, бу тушунчалар умумиқтисодий, умумбашарий тушунчалардир, зеро инсоният ва унинг эҳтиёжларини қондириш зарурияти вужудга келибдики, ўз ҳаракатидан, фаолиятидан, бошқалар билан бўлган муносабатлари ва боғлиқликларидан кўпроқ, яхшироқ, олдингидан дурустроқ натижа самара олишга интилиб келинган. Бирок, бу фаолиятларнинг амалда кенг қўлланилиши, янада ривожланиши бозор иқтисодиёти шароитида кенгроқ, оммавийроқ намоён бўла бошлади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни, унинг муҳим тармоқлари корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни фаол давом эттириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ички ни рағбатлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ўтган йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг йўл очилгани аҳоли бандлигининг ошиши ва даромадлари ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Ҳозир мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда, тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 54,6 фоизга етди.

Ушбу расимда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ЯИМдаги улуши, фоизда қорсатиб ўтдик.



Расм1.

*** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ЯИМдаги улуши, фоизда**

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2012 йилда 54,6 фоиздан ошди. Ҳолбуки, 2009 йилда бу кўрсаткич 50,1 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Бу, наинки халқимиз фаровонлиги ошаётганидан, балки мамлакатимиз банк-молия тизими барқарор ишлаётганидан ҳам далолатдир. Чунки бугун кўплаб ривожланган давлатлар жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатлари билан курашаётган бир пайтда Ўзбекистон молия-банк тизими ишончли фаолият юритиб, мамлакатимизни тараққиёт ва демократик ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч — ўзига тўқ ижтимоий қатламни шакллантиришга фаол ва салмоқли ҳисса қўшмоқда.

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди.

1-жадвал

***Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши, минг киши**

Кўрсаткичлар номи	01.01.2011	01.01.2012	01.01.2013
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари сони	950	998,3	1000
шу жумладан:			
Кичик бизнес ва хуссий тадбиркорликда	600	639	703
Фоиз ҳисобида			
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	74,3	74,4	75,1

Жадвал маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, 2012 йилда ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши туфайли юртимиз бўйича 1 миллионга яқин иш ўринлари ташкил этилган бўлса, унинг 70 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

Юқоридаги статистик маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги урни йилдан йилга ошиб бормокда.

Кичик бизнеснинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти унинг қуйидаги қатор хусусиятлари билан тавсифланади:

*Манба: Давлат статистика қўмитаси материаллари асосида.

Кичик бизнес корхоналари ўзининг тузилишига кўра ва ихчамлиги сабабли йирик корхоналарга нисбатан бозор талабларига тезроқ мослашади, иккинчидан, янги иш ўринларини яратиш йирик корхоналарга қараганда кўпроқ фойда беради, учинчидан, жамиятда сиёсий барқарорликни кафолатловчи бош омил ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бажара олади; тўртинчидан, рақобат муҳитини юзага келтиради ҳамда иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқани яхшилаши билан моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини самарали тақсимланишида ёрдам беради.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари кредитлардан асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, мавжуд корхоналарни янги технологиялар асосида модернизация қилиш, замонавий ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини қуриш каби мақсадларда фойдаланаётганини билдирганлар.

Шу билан бирга, мамлакатимизда аёллар мавқеини ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида тижорат банклари томонидан олиб бораётган ишлар аксар респондентлар томонидан (88,3 фоиз) ижобий баҳоланган.

1.2 Республикамизда тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг ҳуқуқий асослари.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг республика иқтисодиётидаги ўта муҳим ҳамда салмоқли ҳиссаси билан алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни молиявий куллаб-қувватлаш борасида банк тизимининг ўрни алоҳидадир. Марказий банк мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига банк хизмати курсатиш, уларга банк кредитлари беришнинг

соддалаштирилган тартиб-қоидалари амалиётини жорий этишни бошлаган эди. Марказий банк узининг бу борадаги сиёсатини такомиллаштира бориб, 2000 йил феврал ойида яқка тартибдаги тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш тартиблари тугрисидаги Низомларини амалга киритди. Ушбу Низомларга кура, тижорат банклари томонидан бериладиган микрокредитлар учун ҳисобланадиган фоизлар даражаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Президентимиз томонидан қабул қилинган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида банкларимиз жуда катта миқёсда ишларни амалга оширмоқда. Банклар томонидан кредит маблағлари иқтисодиётнинг реал секторларига, шу жумладан аҳоли учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ихчам минитехнологияларни сотиб олиш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ажратилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 1999 йилнинг май ойидан Марказий банкнинг Иқтисодий таҳлил департаменти таркибида фаолият олиб борган “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича банк тизимидаги ишларнинг мониторинги ва таҳлили” бошқармаси базасида 2000 йил ноябр ойида Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни ҳамда хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилди.

2000 йил 21мартдаги “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2564 га мувофиқ тижорат банклари ўз фойдасининг 25 фоизга қадар миқдорини ажратиш йўли билан банкларда ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарини, деҳқон ва фермер хўжаликларини, юқори технологик ва инноватсия лойиҳаларини Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ташкил этилди. Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш махсус

жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари ана шу маблағлар мазкур Жамғарманинг ресурсларини кўпайтиришга мақсадли йўлантирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилинди.

Фармон ижросини таъминлаш учун 2000 йил 19 майда “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-195 асосида низомлар ишлаб чиқилди. Бу низомларга кўра жамғарма маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш бўйича кредит берилган кундаги белгиланган ставкасининг 50 % идан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 6 май 78-сонли Қарорига кўра Микрокредитбанкда фойдаланиш йўналишларига кўра дастлабки сармояни шакллантириш учун микрокредитлар:

- бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун;
- бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдиришга берилади.

Бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун микрокредит йилига 3 фоиз ставка бўйича 18 ой муддатгача:

- энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда - юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун (юридик шахс мақомига эга бўлган);
- энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда - фермер хўжаликлари учун берилади.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси 2005 йил 4 августдаги Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 185-сонли Қарорининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом (1-илова) ига асосан ташкил этилган. Мазкур жамғарма билан Бош банк ўртасида тузиладиган бош келишув Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бугунги кунда кичик бизнесни кредитлашнинг ҳуқуқий асослари:

- Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни.
- Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни.
- Президент Фармонлари.
- Тегишли вазирликларнинг қарорлари.
- Марказий Банк Йўриқномалари.
- Тижорат банкларининг кредитлаш тартиблари.

Кичик бизнес субъектларини молиялашда Яна бир манба бу хорижий кредит линиялари ҳисобланади. Хорижий кредит линиялари ҳисобига инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш тадбиркорлик субъекти танловига кўра намунавий ёки якка тартибдаги лойиҳалар бўйича амалга оширилади. Намунавий лойиҳалар бўйича - «Ўзинвест-лойиҳа» республика инжиниринг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва тижорат банклари томонидан, якка тартибдаги лойиҳалар бўйича эса «Ўзинвестлойиҳа» компанияси ва тижорат банклари томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга хорижий кредитларнинг яна бир тури бу ЕТТБнинг микрокредитларидир.(«Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар

тўғрисида»ги ЎзР ВМ. 10.09.01.№367). Ушбу қарорга кўра ЕТТБнинг микрокредит бериш дастури доирасини кенгайтириш ва кичик тадбиркорлик субъектларини маблағ билан таъминлашга 20 млн АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилади ва микрокредитлар бир қарз олувчига 5000 АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлмаган миқдорда берилади ёки 2002 йилдаги ўзгаришлардан кейин («Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик бизнесни тўлиқ кўламда ривожлантириш бўйича дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ЎзР ВМ. 06.06.02.№201) кредитлар бита қарз олувчига 100 минг АҚШ долларигача миқдорда ёки шунга тенг миқдорда ЎзР миллий валютасида берилади, микрокредитлар эса 10 минг АҚШ долларигача миқдорда ёки шунга тенг миқдорда миллий валютада берилади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг юртбошимиз бу соҳага кенг ёндашган ҳолда аҳамият берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3619-сонли Фармони, 2005 йил 20 июндаги "Микрофирмалар на кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3620-сонли Фармони, 2004 йил 7 июлдаги "Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонлари қабул қилинди ва амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Мазкур қонуний ҳужжатларда кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантирувчи имтиёзлар, кафолатлар ва преференциялар белгилаб берилди. Бунга мисол қилиб, тадбиркорларнинг имтиёзли кредитлар олиш имкониятига эга бўлиши, кредитни зарур ҳолларда нақд ҳолда олиши, ягона солиқ тўлаши, божхона гуловларида маълум имтиёзларга эгаллиги, уларни рўйхатга олиш тизимининг соддалаштирилганлиги, улар хўжалик фаолиятига турли хил давлат органлари аралашувининг чекланганлиги ва ҳ.к.з.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, мазкур соҳанинг ривож топишига, шаклланишига ҳуқуқий база яратилди, аммо шу билан уни тўхтатиб қўйиш керак эмас, балки бозор муносабатларининг доимо чуқурлашиб боришини, ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг тез ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб, уни кучли ижтимоий-иқтисодий тарафдан ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш керак. Республикамизда кичик тадбиркорликни ривожлантиришда уларни кучли ҳуқуқий базасини ташкил этиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда муайян ўрин эгаллаши ва аҳоли даромадларининг ўсишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб еълон қилинганлиги муносабати билан, банкларда ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсусу жамғармаси ҳажмини ошириш борасида тегишли чоралар кўрилди.

Хусусан, 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1501 ва 2011 йил 19 мартдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195 –сон Қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги ВМҚ-79 қабул қилиниб, уларга мувофиқ:

- Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан олинadиган тижорат банкларининг даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслар фойдасидан тўланадиган солиқдан 2011 йил 1 апрелдан, 2016 йилнинг 1 январигача озод этилди;

- жамғарма маблағари устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инноватсия лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун ажратилиши белгиланди;

- кичик бизнеснинг барча субектлари учун имтиёзли ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида жамғарма ҳисобидан кредитлар енг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ажратилиши белгиланди.

2001 йил 10 сентябрдаги “Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзларини бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматларни кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-366 га асосан:

- Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурсларининг камида 50 % и ҳар йили деҳқон (юридик шахс мақомига ега бўлган) ва фермер хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун тижорат банкларида мақсадли кредит линиялари очишга йўналтирилаши;

- микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон (юридик шахс мақомига ега бўлган) ва фермер хўжаликарига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ойдан кўп бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртманомалар берган фақат янгидан очилган корхоналарга берилиши;

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига мувофиқ низом ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик еса унинг ўрнига “Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 1548, 2006 йил 21 феврал) тасдиқланди.

Биргина Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 2000 -2010 йиллар давомида бошланғич сармояни шакллантириш учун 439.3 млн. сўм маблағ деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилди .

Микромолиявий хизматларнинг жадал ривожланиши ҳамда бу борада меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши асосан 2006 йилдан бошлаб тез суръатларда амалга оширила бошанди.

Хусусан, 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” аксиядорлик тижорат банкини ташкил етиш тўғрисида”ги ПФ-3750 га мувофиқ собиқ АТБ “Тадбиркорбанк” негизда “Микрокредитбанк” АТБ ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари етиб:

- тадбиркорлик субъектларига бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун имтиёзли микрокредитлар бериш;

- фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағарини тўлдириш учун имтиёзли микрокредитлар бериш;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналарни техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш ва модернизатсия қилиш учун замонавий ускуналар ва мини-технологияларни сотиб олишлари учун микролизинг хизматларини кўрсатиш;

- кенг қўламда банк ва консалтинг хизматларини кўрсатиш, айниқса қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш белгиланди.

Ҳозирда турли аҳоли пунктларида “Микрокредитбанк”нинг 82 филиали, 285 та мини-банки ва қўллаб агентликлари ишлаб турибди. Бугунги кунда банк 200 мингга яқин мижозга хизмат қилмоқда ³.

Юқорида келтирилган фармонни бажариш юзасидан 2006 йил 6 майда “Микрокредитбанк” АТБ фаолиятини ташкил етиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ВМК-78 чиқарилди ва унга мувофиқ “Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизмталарини кўрсатиш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланди. Бу низомга кўра “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги 3 йўналишда амалга ошириш тартиби белгиланган (2008

йил 10ноябр ПФ-4051-сон Фармонига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар бўйича):

- Бошланғич (старт) сармояни шакллантириш учун микрокредит йилига 3 % ставка бўйича, 18 ой муддатгача:

- энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда юридик шахс мақомига ега бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун;

- энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда микрофирмалар ва юридик шахс мақомига ега бўлган деҳқон хўжаликлари учун;

- энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда фермер хўжаликлари учун берилади.

- Бизнесни кенгайтиришга ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар кичик тадбиркорлик субъектларига (микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 % идан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича, 24 ой муддатгача, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда берилади.

- Имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кичик бизнес субъектларига 3 йил муддатгача 5 % ставка бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда кўрсатилади.

Шунингдек, мазкур низомда микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматларини кўрсатишнинг баъзи шартлари ҳам белгиланган:

* Микрокредитлар ва микролизинг илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни тўлашга; тамакичиликни ва алкогольли

ичимликларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга; лотереялар ташкил этишга берилмайди.

* Такдим этиладиган бизнес-режа микрокредит олиш учун буюртманома берилган санадан кўпи билан 60 кун аввал тузилган бўлиши керак.

* “Микрокредитбанк“ ка мурожаат қилган тадбиркорлар кредит олгунча мазкур банк томонидан бепул ташкил этиладиган бериладиган микрокредитлар ва кўрсатиладиган микролизинг хизматлари турлари ва механизмлари ,шунингдек бизнес-режа тузиш бўйича 2 та базавий семинарда қатнашиши мажбурий ҳисобланади.

* Микрокредитлар фақат қониқарли кредит тарихига ега бўлган ва олдин олинган 3 та кредитни ўз вақтида тўлаган қарз олиувчиларга ишонч асосида берилиши мумкин. Бунда бўлажак тўловлар бўйича таъминлаш сифатида қарз олувчилар томонидан кредит қийматининг 20 % игача миқдордаги суммада мажбурий жамғариладиган депозит жойлаштирилади ва унга банк томонидан фоиз тўловлари қўшилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, микромолиялаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун – Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида“ги Қонуни 2006 йилнинг сентабр ойида амалга киритилди. Мазкур қонун микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар учун микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ягона қоидалари ва умумий нормаларни белгилаб берди. Натижада еса, илгари амалда бўлган 902- ва 903-Тартиблар ўз кучини йўқотди.

Қонунда „микрокредит“, „микроқарз“, „микролизинг“ тушунчалари киритилди. Хусусан, микрокредит энг кам иш ҳақининг 1000 баравари, микроқарз энг кам иш ҳақининг 100 баравари, микролизинг еса энг кам иш ҳақининг 2000 баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилиши белгиланди.

Шунингдек, микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон

Республикасининг „Микрокредит ташкилотлари тўғрисида“ги Қонунининг қабил қилинганлиги мамлакатимизда микромолиялаш соҳасининг янада ривожланишига туртки бўлди.

Шулар билан бирга 2006 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларидан ҳисобланган деҳқон хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга микромолиявий хизматларни кўрсатишни кенгайтириш мақсадида „Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПҚ-308 (2006 йил 23 мартда) сонли Қарорида кўзда тутилган чора-тадбирлар айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун асос бўлди. Мазкур қарорни ижро этиш юзасидан иккита низом ишлаб чиқилди. Уларда деҳқон хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга чорвачиликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ўз ресурслари ҳисобидан ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиблари белгиланиб, унга кўра микрокредитлар 3 йилгача муддатга енг кам иш ҳақининг 80 бараваригача бўлган миқдорда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган ставкаси бўйича, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича еса қайта молиялаштириш ставкасининг $\frac{1}{4}$ қисмига тенг фоиз ставка бўйича берилади. Бу микрокредитлар фақат кам таъминланган оилаларга ажратилади.

Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳоли бандлигини тез суръатларда таъминлаш, истеъмол моллари бозорини тўлдириш борасидаги роли янада ошди. Шу боис, бу соҳани молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш мақсадида 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-

4058 га мвофиқ тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури доирасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланди, жумладан: кичик бизнес субъектларига айланма маблағларни тўлдиришга бериладиган кредитлар муддатини 12 ойдан 18 ойгача узайтирилди; мазкур соҳа субъектларини кредитлаш ҳажмини ошириш мақсадида “Микрокредитбанк, нинг устав капитали қўшимча 72 млрд. сўмга кўпайтирилди.

Бундан ташқари, республика ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму-кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида „Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ 2009 йил 26 январда ПҚ-1047 нинг қабул қилиниши ҳам мазкур йўналишда фаолият юриувчи кичик тадбиркорлик субъектлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорга мувофиқ тижорат банклари томонидан қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича:

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга - озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда зарур бўлган технология ускуналари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш қамда томчилатиб суғориш тизимларини харид қилиш учун;

- фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига - иссиқхоналар барпо қилиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этиш учун кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатилиши белгилаб қўйилди. Бунинг учун тижорат банкларига банк

кредит портфелининг камида 20 фоизи миқдорида махсус кредит линиялари очиш тавсия қилинди.

Шу билан бирга, 2009 йил 28 январда „Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ ПҚ-1050 қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 билан тасдиқланган Дастурда 2011-2015 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2,7 баробарга ошириш, тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини еса 2,8 баробарга ошириш белгиланди.

Шунингдек, юқоридаги дастурга мувофиқ Ўзбекистон банклари Ассотсатсияси қошида иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестицион лойиҳалар бўйича лойиҳавий ҳужжатларни тайёрлашни молиялаштириш Фондини ташкил етиш белгиланди. Фонднинг асосий вазифаси лойиҳавий ғояларни конкурс асосида танлаш ва лойиҳанинг техник иқтисодий асосномаси (ТИА)ни тайёрлашни молиялаштиришдан иборат бўлади. Фонднинг манбаси унинг муассислари, тижорат банклари, нобанк кредит ва молия ташкилотларининг бадаллари евазига шакллантирилади.

2011 йили 7 февралда „Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили“ давлат Дастури“ тўғрисидаги ПҚ-1474 га асосан шу ҳақдаги дастур тасдиқланди. Жорий йил давомида мазкур дастур доирасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Булар ичида ПФ-4354 кичик бизнес субъектларини кредитлашда бир қанча енгилликлар ва имтиёзларни кўзда тутганлиги билан аҳамиятлидир. Унга кўра 2011 йил 1 сентабрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобрақам очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди.

2-Боб. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг амалдаги ҳолати таҳлили.

2.1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва уни таҳлили.

Кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ва уларни амалга оширишда банк кредити алоҳида аҳамиятга эга. Чунки лойиҳаларни амалга ошириш ва ривожлантириши учун, биринчи галда, маблағ зарур бўлади. Бундай маблағга эга бўлишнинг асосий йўлларида бири кредит олишдир. Банк кредити орқали илғор технологияга асосланган ишлаб чиқариш жорий этилади, янгидан-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, шунингдек янги корхоналарнинг барпо этилишига, янги иш ўринларининг кўпайишига эришилади.

Кредитлашда бундай аҳамиятли имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айни пайтда уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда.

Иқтисодиётда кичик бизнеснинг янги иш ўринлари яратиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайиши ва хизматлар кўрсатиш доираси кенгайиши уларни кредитлаш билан чамбарчас боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Бу борада Америкалик иқтисодчи олим Питер С. РОУЗ банк кредитининг аҳамиятини қуйидагича таърифлайди, яъни - "банк кредитлари янги корхоналарнинг пайдо бўлишига ва янги иш ўринларининг кўпайишига кўмаклашади ҳамда уларнинг иқтисодий ҳаётийлигини таъминлайди"¹.

Мазкур билдирилган фикрдан кредитнинг кичик бизнесни ривожлантиришда нечоғлик аҳамиятлилигини билиб олиш қийин эмас. Бир сўз билан айтганда, кредит кичик бизнес корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши ва микромолиялаш соҳасининг ривожига учун қулай муҳит яратилиши натижасида ҳозирда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар, шу жумладан кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмининг жадал суръатларда ўсиши кузатиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида салмоқли ишлар амалга оширилди.

2012 йилда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди. Буни қуйида келтирилган диаграмма маълумотлари асосида ҳам кўриш мумкин.



*Расм 2.

*Манба: Марказий банк маълумотлари асосида.

Диаграмма маълумотларидан кредитлар ва микрокредитлар ҳажмининг 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўсиб, 2,7 трлн. сўмга етган. Шундан, 485,2 млрд. сўмини соҳа субъектларига ажратилган микрокредитлар ташкил етиб, 2000 йилга нисбатан ўсиш 39 баробарни ташкил етган.

2011 йилда еса бу соҳага тижорат банклари томонидан 4.1 трлн. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар шу жумладан, 752,0 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилган. 2012 йилда кичик бизнес субъектларига 5,3 трлн сўм миқдорида кредитлар ва 1172 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилган. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар ичида тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасидан берилган имтиёзли кредитларнинг ҳажми ҳам ошиб бормокда.

Шунингдек:

- маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жами 978,2 млрд. сўм;
- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 1 трлн. 41,3 млрд. сўм;
- имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан 42,3 млрд.сўм;
- халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида банк тизимида юклатилган вазифалар тўлиқ ижро этилди.

Жумладан, 2012 йил мобайнида:

- оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 97,8 млрд. сўм;
- хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадларига 491,7 млрд. сўм;

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олишга жами 77,6 млрд. сўм;


- мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантиришга 339,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, Халқ банки ҳамда Микрокредитбанк томонидан 2012 йилда Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармасининг (Германия) “Хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш бўйича қайта тикланувчи кредит жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги тадбиркор аёлларга бошланғич капитални шакллантириш учун 267,8 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди.

2012 йил давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 48,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Ўтган йилда, oilаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, жумладан мебеллар, маиший техникалар ва бошқа турдаги узок фойдаланиладиган жиҳозларни сотиб олишга жами 320 млрд. сўмлик, шу жумладан 15 мингта ёш oilага уч йиллик қайтариш муддати билан 81 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ошиб, 2013 йил 1 апрель ҳолатига кўра 1,6 трлн. сўмни ташкил этди.



бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар
(трлн. Сумм)

*Расм3.

Жумладан, микрокредитлар ҳажми 338 млрд. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам 2012 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,4 баробар ўсди. Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимига бўлган ишончнинг йилдан-йилга ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётгани аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

*Манба: Марказий банк маълумотлари асосида.

***Кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг тижорат банклари
кредит қўйилмаларидаги улуши ва ЯИМга нисбатан ўзгариш
динамикаси**

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
ЯИМ, трлн. сўм.	48.1	61.8	77.8	96.6
Кредит қўйилмалари умумий суммаси, трлн. сўм.	8.6	11.5	15.7	20.4
Тижорат банклари томонидан кичик бизнесга ажратилган кредитлар, млрд. сўм.	1851.7	2690.2	4000	5346
Тижорат банклари жами кредит қўйилмалари таркибида кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг улуши, фоиз ҳисобида	21.6	23.5	25.5	26.2
Тижорат банклари томонидан кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати, фоиз ҳисобида	3.8	4.4	5.1	5.5

*Манба: “Бозор, пул ва кредит” журнали, 1-сон (2012 ва 2013 й) маълумотлари асосида.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар, жумладан, ушбу сектор субъектларини кредитлаш ҳажмларининг ўсиши ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Тижорат банклари жами кредит қўйилмалари таркибида кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг улуши, 2013 йил 1 январ ҳолатига 26,2 фоизга тенг.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб – қувватланиши Мустақиллик йилларида республикамизда кичик бизнес сезиларли ривожланди. Аммо кичик корхоналарни ташкил қилиш суръати, уларнинг барқарор ривожланиши ва умумий иқтисодий тизимдаги ўрни ҳали бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермайди. Кичик бизнесни ривожлантириш йўлида кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлди, уларни фақат давлат томонидан кўрилган ташкилий ва иқтисодий – ижтимоий чора – тадбирлар асосидагина бартараф қилиш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг муҳим соҳаси бўлган кичик бизнесни ташкил қилиш ва уни ривожлантириш биз учун янги ва мураккаб жараён бўлиб, доимий эътибор қаратишни, ёрдам ва қўллаб – қувватлашни талаб қилади.

3-жадвал


***Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан барча
молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига
берилган кредитлар динамикаси,млрд.сўм.**

№	Кредит турлари	01.01.2011	01.01.2012	01.01.2013
1	Барча молиялаш манбалари ҳисобидан	2690,2	4100	5346
2	Хорижий кредит йўналишлари, (млн АҚШ доллари)	103,1	143,4	181,7
	шу жумладан			
3	Микрокредитлар	485,2	752,3	1172

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2010-2012 йилларда республикаимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлди. Хусусан ушбу соҳага йўналтирилган кредитларнинг ўтган 3 йил давомида 2,3 баробарга, микрокредитларни эса, 2.6 мартага ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат асосан, банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитларнинг ўсиши билан изоҳланади. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакатимиз банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг 70 фоизи банкларнинг ўз маблағлари ҳиссасига тўғри келди.

*Манба: “Бозор, пул ва кредит” журнали, 1-сон (2012 ва 2013 й) маълумотлари асосида

Ушбу ҳолатни икки жиҳатдан баҳолаш мумкин. Яъни, мазкур юқори кўрсаткич бир томондан, банкларнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасида етакчи мавқега эга эканлигидан далолат берса, иккинчи томондан, нобанк кредит муассасаларининг кичик бизнесни кредитлаш амалиётининг етарли даражада такомиллашмаганлигидан далолат беради.



***Расм4.**

2000-2012 йилларда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар динамикаси. млрд.сўм.

(31 декабр ҳолатига)

Хусусан, 2000 йилда жамғарма ҳисобидан қарийб 13 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, кейинги беш йил давомида ушбу кўрсаткич салкам 1,5 баробарга ўсди ва 2005 йилда 19 млрд. сўмни ташкил қилди. Умуман олганда мазкур жамғарма ташкил этилгандан буён кичик тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг лойиҳаларини молиялаштиришга 2000-2010 йилладра жами 201,6 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

**Манба: Ўзбекистон Республикаси марказий банки маълумотлари.*

Биргина, 2011 йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасидан соҳа субъектларига 31,2 млрд. сўм кредитлар ажратилилган. 2012 йил бўйича эса 42,3 млрд сўмни ташкил етди.

Ҳозирги кунда ОАТБ “”Микрокредитбанк” мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда жонбозлик кўрсатаётган банклардан ўисобланади. Сўнгги йилларда мазкур банк томониданушбу соҳа вакиллариға турли хилдаги молиявий хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

3-жадвал

***ОАТБ “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг муддати бўйича тақсимланиши,(млрд.сўм)**

№	Кўрсаткич номи	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
•	Қисқа муддатли	38,4	45,3	59,3	61.2
•	Узоқ муддатли	109,7	169,3	229,3	298.4
•	Жами	148,1	214,6	288,6	359.6

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, банк томонидан тақдим этилаётган кредитларнинг катта қисми узоқ муддатли кредитларни ташкил этмоқда. Йиллар мобайнида таҳлил қиладиган бўлсак, қиса муддатли кредитлар ҳам, узоқ муддатли кредитлар ҳам деярли бир хил ўсиш тенденциясига эға, лекин уларнинг ўртасидаги нисбат 4 баробардан кўп лиги кўринади. Бу ҳолат ижобий бўлиб, биринчидан банк ресурс базаси мустаҳкамланаётганлигини кўрсатса, иккинчидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада кенгаяётганлигини англатади.

*Манба: Микрокредитбанк йиллик ҳисобот маълумотлари

4-жадвал

***ОАТБ “Микрокредитбанк” томонидан кўрсатилган имтиёзли
микромолиявий хизматларнинг кредит турлари бўйича
таркиби,(млрд.сўм)**

№	Кўрсаткич номи	2007	2008	2009	2010	2011
1.	Бошланғич сармоялар	9,9	10,3	13,0	14,1	22,8
2.	Микролизинг хизматлари	10,0	19,9	26,1	37,0	70,3
3.	Айланма маблағлар	22,7	33,3	51,7	70,3	107,3
4.	Жами	42,6	63,5	90,8	121,4	200,4

Жадвал маълумотларини кўриб шундай хулоса қилиш мумкинки, банк томонидан ўтган йиллар давомида мижозларга кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар кўлами тез суръатлар билан ўсган. 2007 йилда ушбу хизматларнинг умумий суммаси 42,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб деярли 5 баробарга ошган. Ушбу хизматлар ичида айланма маблағларни тўлдириш мақсадида берилган кредитлар ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида» ги ПҚ-1474-сон қароридан келиб чиқиб:

*Манба: Микрокредитбанк йиллик ҳисобот маълумотлари салмоқли ўринни

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус Жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан олинadиган тижорат банкларининг даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шarti билан юридик шахслар фойдасидан тўланадиган солиқдан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2016 йилнинг 1 январигача озод этиш.
- Белгилансинки, тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус Жамғармаси маблағлари асосан олис ва етиб бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари керагидан ортиқ бўлган туманлар ҳамда шаҳарлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларида юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни молиялаш учун ажратилади.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни янада рағбатлаштириш, уларга кенгрок имконият ва қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат берувчи тартиб-таомиллар тўғрисида” қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш, “Микромолиялаш тўғрисида”, “Кредит уюшмалари тўғрисида”, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан амалий ишлар олиб борилмоқда.

5-жадвал

***Тижорат банклари томонидан мамлакат миқёсида иқтисодиёт секторларига 2012 йил давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг 2011-йилга нисбатан ўсиш суръатлари (млн. сўм)**

т/р	Асосий йўналишлар	2011-йил давомида ажратилган кредитлар	2012-йил давомида ажратилган кредитлар	2011-йилга нисбатан ўсиши % да
1	Тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар	4 041 130	5 345 827	132.3
Шундан				
1	Ажратилган микрокредитлар	752 287	1 171 607	155.7
2	Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга	25 649	48 460	188.9
3	“Микрокредит банк томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар	159 683	204 742	128.2
4	Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олишга	59 734	77 583	129.9
5	Озиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга	712 443	978 181	137.3
6	Ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга	724 011	1 041 262	143.8
7	Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга	54 140	97 780	180.6
8	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун	351 085	618 120	176.1
9	Тадбиркор аёлларни қўллаб қувватлашга	335 584	491 735	146.5

* Манба :Марказий банк малумотлари асосида.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кредитлар бериш ва кредит муносабатларини ривожлантириш соҳасида “Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази сўрови натижаларига биноан жойларда мамлакатимиз тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш кўлами ва даражаси ҳақида зарур маълумотлар олинди. Натижада

“Микрокредитбанк”, “Агробанк”, “Халқ банки”, “Саноат қурилиш банки”, “Миллий банк”, “Асакабанк” каби банклар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш соҳасида кенг фаолият юритаётган етакчи тижорат банклари сифатида еътироф этилди.²

Банкларнинг тадбиркорлик субъектларига кредит бериш борасидаги ишидан тадбиркорларнинг катта қисми – 91,2 фоизи мамнунлигини қайд этди. Кўпчилиқ тадбиркорлар банкдан кредит олишда ҳеч қандай тўсиқ ва қийинчиликлар йўқлигини, кредитлаш бўйича белгиланган барча қоидаларга амал қилинган ҳолда енг юқори даражада хизмат кўрсатилаётганини, банк оператсиялари ўз вақтида бажарилаётганини кўрсатиб ўтдилар.

Тижорат банкларидан кредит олиш учун тақдим қилинган бизнес лойиҳалар мақсадларини ўрганиш натижасида қуйидаги йўналишлар устуворлиги еътироф этилди: бошланғич капитални ва айланма маблағларни шакллантириш, енг янги технологияларга асосланган ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш, замонавий талаблар асосида бино ва иншоотларни қуриш, мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, корхонани илғор технологиялар асосида модернизатсия қилиш ва бошқалардир.

Шунингдек, банкларнинг микрокредитлаш фаолияти ёрдамида тадбиркорликни бошлаш учун катта имкониятлар вужудга келаётгани, банк тизимида мазкур кредитлаш асосида тадбиркорликни ёшлар ва аёллар


² Internet saytidan “Ijtimoiy fikr” jamoatchilik fikrini o’rganish markazi malumotlaridan foydalanildi, tosh. 2013y

ўртасида ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида катта еътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлар ажратиш кенг йўлга қўйилганини респондентларнинг 92,8 фоизи еътироф етганлиги бунини тасдиқлайди. Шунингдек, фаолиятини микрокредит асосида бошлаган тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланиш кўникмалари шаклланиб, кейинги босқичда йирик миқдорда кредитлар олиш имкониятлари кенгаяётгани ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар самараси бўйича ҳам ижобий фикрлар билдирилди. Жумладан, мазкур имтиёзли микрокредитлар ёшларнинг ўз бизнес қояларини амалга ошириши учун катта имконият яратмоқда, уларнинг ўзини ва аҳолини иш билан таъминлашга ёрдам бермоқда.

Жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига оид бизнес лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилаётган кредитлар самараси ҳам сўров натижаларида алоҳида қайд этиб ўтилди. Ушбу кредитлар соҳани ривожлантириш билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилаётгани, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига яқиндан ёрдам бераётгани, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб, янги иш ўринлари яратилишига салмоқли ҳисса қўшаётгани кўпчилик томонидан еътироф этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида аёлларнинг фаоллигини янада ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга қаратилган дастурларни амалга ошириш доирасида тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ўз самарасини бераётгани ҳам қониқиш билан қайд этилди.



***Расм5.**

2012-йилда мамлакат иқтисодиётининг реал секторига кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг умумий миқдорида тижорат банкларининг тутган улуши (млрд. сўмда) ³

³ *2012-yil "Bank axborotnomasi" ro'znomasi ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 91,6 фоизи тижорат банклари томонидан тадбиркор аёллар учун кредитлар ажратиш яхши йўлга қўйилганини таъкидлади. Улар томонидан “имтиёзли кредитлар хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини янада оширишга, уларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш ва моддий фаровонлигини юксалтиришга ҳар томонлама кўмаклашади, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал етиш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб етишга салмоқли ҳисса қўшади”, деган фикрлар билдирилди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази сўрови натижалари шундан далолат берадики, мамлакатимизда тадбиркорларга ғамхўрлик ва банк тизимида ишонч уйғунлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг кўламда молиялаш жараёни жамоатчилик, шу жумладан, ишбилармон ва тадбиркорлар томонидан кенг ётироф этилмоқда.

Ушбу амалга оширилаётган ишларнинг барчаси мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини ривожлантириш борасида амалга оширилмоқда. Ушбу амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижаларида кредит турлари ва кредит муносабатларининг ўрни қанчалик аҳамиятли эканлиги яна бир бор юқорида таъкидлаб ўқанимиздек ўз ифодасини топади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилишда ва миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришда қишлоқ хўжалиги салмоқли ўрин эгаллайди. Бу борада олиб борилган чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ ислоҳот йилларида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шарoитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

2.2. Халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тартиби ва унинг жорий ҳолати.

Кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ва уларни амалга оширишда банк кредити алоҳида аҳамиятга эга. Чунки лойиҳаларни амалга ошириш ва ривожлантириши учун, биринчи галда, маблағ зарур бўлади. Бундай маблағга эга бўлишнинг асосий йўлларида бири чет эл инвестицияларини жалб этишдир. Чет эл инвестициялари орқали илғор технологияга асосланган ишлаб чиқариш жорий этилади, янгидан-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, шунингдек янги корхоналарнинг барпо этилишига, янги иш ўринларининг кенгайтирилишига эришилади.

Иқтисоднинг инвестицияга бўлган талаби, инвестицияга йўналтириладиган маблағларнинг етишимаслиги инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни тақоза этади. Чунки қўйилган капитал маблағдан самарали фойдаланиш натижасиджа кўпроқ фойда олиш мумкиндир. Мустақилликнинг дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизга хорижий банкларнинг кредитлиниялари кириб кела бошлади. Уларнинг ҳар бири кредит ажратаётганда алоҳида мезонларга таянишади.

Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, ЕТТБ, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.

Республикаимизга кириб келаётган хорижий кредит линияларининг ресурс манбалари-уларнинг инвестицион хусусиятининг асосий элементи

бўлиб ҳисобланади. Хорижий кредит линияларининг ресурсларини манбаига қараб қуйидаги асосий учта гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Халқаро молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари;
- Хорижий тижорат банкларининг кредит линиялари;
- Бошқа турдаги халқаро ташкилотларнинг кредит линиялари.

Халқаро молиявий ташкилотлар сифатида Европа тикланиш ва тараққиёт, Халқаро Молия Корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки каби ташкилотлар киради.


ЕТТБ томонидан берилаётган кредитнинг мақсади импорт ускуна ва технологияларни сотиб олиш, иш сармоясини шакллантириш. Қарз олувчи сифатида хусусий кичик ёки ўрта корхона (хусусий секторнинг назорат йўсинида қатнашиши билан аралаш сармоя ҳам бўлиши мумкин) ёки давлат томонидан назорат қилинаётган давлат корхонаси, лекин давлатнинг аниқ – равшан ва банк учун мақбул бўлган хусусий мулкчиликка ўтказиш ва хусусий назорат режаси бўлиши керак. Кредитлар асосан энг кўпи билан 7 йилга ва энг кўпи билан 2 йиллик имтиёзли даврга берилади.



***Расм6.**

**Кичик бизнес субъектлар лойиҳаларни молиялаштириш учун
халқаро молия институтлари билан ҳалқорлик**

1997 йил 31 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1702-сонли Фармони билан давом эттирилди. Ушбу фармон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Япония кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Дастури, Япония Эксимбанки, Халқаро Молия корпорацияси, Германия ривожланиш кредит Агентлиги ва Марказий Осиё - Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Фондларининг жами 351 млн. АҚШ доллари микдордаги кредит линиялари жалб этилди. Ушбу маблағлар кичик бизнесни кредитлашнинг қўшимча манбаси бўлиб хизмат қилмоқда.



* Расм7.

**Кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари
хисобидан берилган кредитлар микдори (млн. АҚШ доллари 31 декабр
ҳолатига**

Диаграммада кўрсатилишича, 2011 йилда кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан 143,4 млн. АҚШ доллари микдоридаги маблағ йўналтирилди.


**Манба: Ўзбекистон Республикаси марказий банки маълумотлари*

2012 йилда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига кўра Халқаро молиявий институтларнинг 75 млн. АҚШ долларлик маблағларини жалб қилиш режалаштирилган. 2010 йилининг февраль ойида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) «Ўзбек Лизинг Интернэшнл А.Ж» лизинг компаниясига 3 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит берди. Имзоланган битим шартларига кўра, кредит бир йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга берилди. Кредит маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига молиявий лизинг хизматлари кўрсатиш учун сарфланди.

Республиканинг бешта йирик банклари қаторига кирувчи «Ипотекабанк» АТИБ 2010 йил охирида хусусий секторни ривожлантириш Ислом копорациясининг (ХСРИК, Ислом тарққиёт банки таркибига киради) 10 млн. доллар миқдоридага кредит линияси учун маблағлар 6 йил муддат билан банкнинг шахсий кафолати остида ажратилди. 2009 йилнинг июн ойида ХСРИК Ўзбекистоннинг учта банкига - Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Асака» банкига хусусий тадбиркорликни молиялаш лойиҳаси учун умумий миқдори 42 млн. доллар бўлган кредит линиясини тақдим этди. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва «Асака» банкларига 15 млн. доллардан, «Ўзсаноатқурилишбанк»га 12 млн. доллар ажратилди. Келишув шартларига кўра, кредитлар 2 млн. доллар миқдоригача 5-8 йил муддатга асосий қарздан муддатини 2 йилга чўзиш шарти билан ажратилди.

Тадбиркорлар валюта ресурсларидан фойдалана олишларини таъминлаш учун Миллий банк мана кўп йилларки, ЕТТБ, ОТБ, ХМК, КфВ, ОПЕК Фонди каби машҳур халқаро молия институтларининг кредит йўналишлари маблағларидан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни молиялаб келмоқда. Республика тадбиркорларига эркин конвертирланадиган валютада ажратилган кредитларнинг аксарият қисми Миллий банк

улушига тўғри келади. Хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш доирасида Миллий банк томонидан қиймати 485,6 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 196 та лойиҳа молиялашга қабул қилинди. Улар бўйича кредитлар суммаси 285,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакатимизнинг энг муҳим тармоқларидан бири - нефть-газ тармоғидир. Мазкур тармоқга хорижий инвесторлар маҳсулот тақсимотида оид битимлар доирасида умумий 42 та лойиҳага то 2044 йилгача жами 21 876 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиши кузатишмоқда. Энг кўп лойиҳаларни амалга ошираётган хорижий инвесторлардан кейингиси - Малайзиянинг «Петронас» компаниясидир. У умумий 4 та йирик лойиҳа билан 2044 йилгача жами 3 660,7 млн. АҚШ долларлик инвестиция киритади. Унинг энг йирик лойиҳаси - 2012 йилгача мўлжалланган баҳоси 1 500,0 млн. АҚШ долларлик Шўртан газ кимё мажмуида синтетик ёнилғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобланади. Лойиҳа Шўртан газ кимё мажмуи базасида йилига 3,5 млрд. м. куб газни қайта ишлайди ва 1,75 млн. тонна синтетик ёнилғи ҳамда автобензин ишлаб чиқаради.



Расм8.

2011-2015 йилларда Халқаро молия ташкилотлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори,(млн.доллар).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438-сонли қарорига асосан Халқаро молия ташкилотлари ва хорижий мамлакатлар тҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 млн.долларни, 2015 йилда эса 155 млн.долларни ташкил этиши режалаштирилган.

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни
микрокредитлашни ривожлантиришда катнашувчи донор
ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

№	Ташкилот номи
1.	АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (УСАИД) линияси бўйича АСДИ/ВОСА, ФИНСА
2.	Осиё тараққиёт банки
3.	БМТнинг тараққиёт дастури (ПРООН), «Очиқ жамият» институти (Сорос жамғармаси) – маблағ билан таъминлашда қатнашиш
4.	«Мурувват корпуси» халқаро мурувват ташкилоти (Буюк Британия ҳукуматининг ёрдамида)
5.	Нидерландия халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (НОВИБ)
6.	АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган «Биргаликдаги тараққиёт» ташкилоти (ЖДА)
7.	ЖИСА (Япония) линияси бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар – ўқитиш дастури
8.	АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган «Норт Вест Медикал Тим» ва «Глобал Лайфлайн» ташкилотлари
9	Германия КвФ
10	Коммерцбанк
11	Халқаро Молия Корпорацияси ва ХТТБ
12	Ислон Корпорацияси
13	Ҳиндистон Эксимбанки
14	Хитой Тараққиёт банки

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

Республикамизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги 578-сонли Қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш «Ўзинфоинвест» агентлиги хорижий инвесторларга ахборот билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар тарафлама кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассасадир.

Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари сўнгги даврларда жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Хусусан республикада кичик бизнесни, йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш соҳасида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга, хусусан маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарга юқори сифатли, жаҳон бозорида рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этишга ҳамда ички истеъмол бозорини юқори сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга кўмаклашиш мақсадида кредит бериш ва уларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришда Осиё тараққиёт банки маблағлари муҳим ўрин тутди. «Агробанк» ОАТБ тизимида ҳам 2001 йилдан эътиборан Осиё тараққиёт банки маблағлари жалб қилинмоқда ва лойиҳаларни молиялаштириш соҳасида ушбу маблағлардан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан тизимда Осиё тараққиёт банкининг қуйидаги 3 та линияси бўйича маблағлар жалб қилинган ҳамда лойиҳалар молиялаштирилмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилганда 2010 йил якунига қадар «Агробанк» ОАТБ тизимида жами 22,8 млн. АҚШ доллари миқдорида

Осиё тараққиёт банки маблағлари жалб қилинди ва шундан 171 тага яқин корхоналар молиялаштирилди. “Агробанк” ОАТБ томонидан 8,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар Осиё тараққиёт банкига тўлов графиги бўйича қайтарилди, шундан 4,9 млн. АҚШ доллари кредит асосий қисмини 4,0 млн. АҚШ доллари эса фоиз тўловларини ташкил қилади. Ҳозирда “Агробанк” ОАТБ Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда қуйидаги 2 та лойиҳа юзасидан фаолият олиб борилмоқда.

1. “Агробанк” ОАТБ тизимида микромолиялаштириш яъни кичик бизнесни молиялаштириш соҳасида 20,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа бўйича келишув имзолашга тайёр. Барча ташкилий ишлар амалга оширилди, ишчи гуруҳ тасдиқланди ва ҳозирда Осиё тараққиёт банки вакиллари билан келишувни тасдиқлаш босқичи давом этмоқда;

2. Халқаро савдони молиялаштириш кредит линияларидан фойдаланиш замонавий банк тизимида алоҳида ўрин тутади. Бу соҳада ҳам “Агробанк” ОАТБ Осиё тараққиёт банки билан дастур ишлаб чиқмоқда. Осиё тараққиёт банки 2010-2011 йилларда “Агробанк” ОАТБ тизимида халқаро савдони молиялаштиришни қўллаб қувватлаш ва керакли ресурслар билан имтиёзли шартларда таъминлаб туришга розилик билдирган. “Агробанк” ОАТБ ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва самарали ҳамкорлик асосига қурилганлиги билан характерланади. Шу муносабат билан банк томонидан ушбу молия ташкилотининг имтиёзли шартлардаги кредитларидан келажакда ҳам фойдаланиш ҳамда шу маблағлар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарни молиялаштириш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Агробанк тизимида кўплаб халқаро молия муассасаларининг узоқ муддатли кредит линиялари жалб этилган бўлиб, бу маблағлар ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиялаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, сўнгги йилда Халқаро тараққиёт ассоциациясининг кредит линияси орқали ҳам

лойихалар молиялаштирила бошланди. Бундан ташқари Агробанк ҳамда Ислом хусусий секторни ривожлантириш ассоциацияси ўртасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш линиясини очиш тўғрисида келишув имзоланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Осиё тараққиёт банки билан тузилган келишув бўйича банк томонидан 2009 йилда режалаштирилган 2 млн. АҚШ доллари тўлиқ ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган маблағлар ҳисобидан банк томонидан 2 340 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди ва 360 та янги иш ўрини яратилди.

Тадбиркорлар валюта ресурсларидан фойдалана олишларини таъминлаш учун, Миллий банк мана кўп йиллардирки, ЕТТБ, ОТБ, ХМК, КФВ, ОПЕК Фонди каби таниқли халқаро молия муассасаларининг кредит йўналишлари маблағларидан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни молиялаш билан шуғулланмоқда. Республика тадбиркорлик шуъбасига ЭКВда ажратилган кредитларнинг катта қисми Миллий банк улушига тўғри келади. Миллий банк хорижий кредит йўналишларининг маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш доирасида қиймати 485,6 млн. АҚШ доллари бўлган 196та лойиҳани молиялашга қабул қилди. Улар бўйича кредитлар суммаси 285,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Кўпроқ тадбиркорларни кредит ресурслари билан таъминлаш мақсадида, Банк халқаро молия муассасаларининг йўналишлари бўйича қўшимча кредит ресурсларини жалб этиш ишларини олиб бормоқда.

3-Боб. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашни ривожлантириш масалалари.

Ҳозирги кунда кичик бизнес олдида турган энг асосий муаммолардан бири молиявий ресурслар муаммосидир. Бу вазифани бажариш, яъни кичик бизнесни молиявий маблағлар билан таъминлаш, уларга имтиёзли фоиз ва муддатларда кредит маблағларини ажратиш тижорат банклари зиммасига юклатилган.

Кичик бизнесни ривожлантиришни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарга фоиз ставкалари унчалик юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш, бу ишни халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

Лекин бугун кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳада кўзланган мақсадларга эришиш осон кечмаяпти ва кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай муаммолар ўз ечимини кутиб турган, айниқса молиявий таъминот борасида масалалар кўп. Ана шу масала ва муаммоларни комплекс ўрганиб уларга жавоб топиш заруриятини белгилайди.

Ўзбекистонда кичик бизнесни кредитлашдаги мавжуд муаммолар.

- Кичик бизнес субъектларининг миллий иқтисодиёт ривожини таъминлашдаги ўрнини баҳолаш;
- Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг молиявий асосларини таҳлил қилиш ва кўрсатиш;
- Амалиётда кичик бизнес соҳасини ҳар – хил манбалар орқали молиялаштиришни таҳлил қилиб, уни оптимал услубларини кўрсатиш ва уни такомиллаштириш

- ривожланган давлатларда кичик бизнесни кредитлашни тараққий этиш тажрибасини ўрганиш асосида уни республикада қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- кичик бизнесни кредитлашни қўллаб – қувватлашда нодавлат ташкилотларнинг ва нобанк молиявий институтларнинг фаоллигини ошириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;
- молиялаштиришнинг лизинг шаклидан кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришда фойдаланиш тизимини ўрганиб, уни кенг миқёсда амалиётга тадбиқ қилиш йўллариини белгилаш.
- Кичик бизнес субъектларини кредитлашда бюджетдан ташқари фондлар ва марказлашган ресурслар ҳиссаси камлиги;
- Кичик бизнесни кредитлашда фоиз ставкалари ва бошқа чекламалар мавжудлиги ва бунга муқобил равишда ушбу соҳани кредитлаш борасидаги имтиёзлар камлиги, бунинг натижасида банкни кичик бизнес субъектларини кредитлашдаги манфаатдорлигининг камлиги;
- Банкларнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш жараёнидаги ташкилий муаммолар;
- Мижозни кредитга лаёқатлилигини аниқлашда банклардаги ахборотлар етишмаслиги муаммолари;
- Банкларнинг кредит таъминотлари ва уларнинг реализацияси билан боғлиқ муаммолар;
- Кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасидаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларининг мукамаллаштирилмаганлиги ва улардаги камчиликлар.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги вазифаларни тўлиқ ва изчил давом эттириш лозим деб ўйлаймиз.

Ички бозорни товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳолини иш билан таъминлаш, унинг даромадларини ошириш;

Кам сармоя талаб қилиши ҳисобидан ишлаб чиқаришни енгилроқ ва тез модернизация қилиш;

Мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш.

Ўзбекистонда ҳам аҳоли шахсий жамғармаларини шакллантириш, кўпайтириш ва уларнинг бизнес кўникмаларини янада ривожлантириш йўлида маҳаллий нодавлат ташкилотлари орқали микрокредитлар ажратишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарнинг фаолияти давомида айланма маблағлари тақчиллигини вақтинчалик қоплаш усулларида бири векселлардан фойдаланишини Ўзбекистонда ҳам амалиётга босқичма – босқич тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Кичик бизнес субъектларини микрокредитлар билан таъминлаш ҳажмларини ошириш, шу билан бирга кредитларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш лозим.

Нобюджет фондлар ҳисобидан ажратилаётган имтиёзли кредитларда тижорат банклари маржасини ошириш зарур. Бу билан биз тижорат банкларининг бу соҳага ажратаётган кредитларга иштиёқини оширамиз.

Савдо–саноат палатаси республикамиздаги кичик бизнес субъектларига амалий маслаҳатлар билан бирга тадбиркорларга амалдаги қонунларни ўргатиш ҳамда бизнес режа тузиш, ўз фаолиятларини олдиндан режалаштиришни ўргатиш мақсадида Республикамиз Институтлари билан ҳамкорлик ўрнатишлари зарур.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кичик

бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормокда.

Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хомашё ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари позициялари 136 тадан 195 тагача кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги 36-сонли «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабини ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига монопол маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйдириш бўйича ваколат ҳамда юқори ликвидли товарлар моддий балансларига тегишли ўзгартириш киритиш бўйича имконият берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг коммиссион харажатлари ўртача 25% гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10% гача оширилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

- архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;
- экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 фоиздан 90 фоизгача;

- турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;
- лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинадиган тўловлар умуман бекор қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни тартибга солувчи 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Бунинг натижасида 26 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 76 та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Маълумки, молиявий мақсадларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юқори ликвидли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг реал секторини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун ўтган 2011 йилда Президентимиз қарорлари асосида республикада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилди. Хусусан, Инвестиция дастури (2008 йил 2 октябрдаги ПҚ-969-сон), «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури (2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон), «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш» дастури (2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041-сон) ҳамда «Қўшимча инфратузилма объектларини қуриш» дастури (2009 йил 17 мартдаги ПҚ-1073-сон) шулар жумласидандир.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида соҳа вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк тизимида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;

- тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Давлат дастури доирасида тижорат банкларининг барча филиалларида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди, банкларнинг мунтазам янгилаб туриладиган веб-сайт ва порталлари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати кўрсатиш тизими кенгайтирилди.

Яратилган шароит ва имтиёзлар натижасида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа вакилларига кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, сифати ошиб бормоқда.

Қайд этилдики, тижорат банклари доимий равишда кичик бизнес субъектларини, айниқса, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратиб келмоқда.

Ушбу тенденция жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга, авваламбор, уларнинг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида кредитлашга етарлича аҳамият бериляпти. Соҳа субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6 трлн. сўмдан ошиқроқ миқдорда маблағлар йўналтириш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Мазкур ресурсларнинг 1,2 трлн. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 53,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилади. Оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга йўналтириладиган микромолиявий хизматлар миқдори 110,1 млрд сўмни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига 106 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун 540 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиш режалаштирилмоқда.

Таъкидландики, бу маблағлар билан устивор равишда аёллар раҳбарлик қилаётган, аёллар меҳнатидан фойдаланувчи кичик корхоналарга, чорва моллари ва паррандалар, сут маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар сотиб олиш, бошланғич капитални тўлдириш, аҳолини, шу жумладан аёллар ва ёшларни кундалик спорт-соғломлаштириш машғулотларига жалб этиш учун маҳаллаларда спорт заллари ташкил этиш, фермер аёллар,

айниқса таълим муассасаларини битирган қишлоқ қизларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган лойиҳалар молиялаштирилади.

Жорий йилда тижорат банкларининг 155,3 млрд сўмлик кредит маблағлари эвазига республикамизнинг ишчи кучи кўп бўлган 8 та туманида хомашёни чуқур қайта ишлаган ҳолда ва тўлиқ ишлаб чиқариш цикли билан тўқимачилик комплекслари барпо этилади, 45 та туманида эса тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари тайёрлайдиган ихчам замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил қилинади.

Тижорат банкларининг инвестициялари минтақа корхоналари ўртасида саноат кооперациясини мутаҳкамлаш, хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўзда тутилган лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам йўналтирилади. Бу йил республикамиз бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва истеъмол озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтирувчи янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 лойиҳа амалга оширилади. Ушбу мақсадларга тижорат банклари 47 млрд сўм ажратмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда аграр соҳа салоҳиятини ошириш борасида ҳам изчил чоралар кўриб борилмоқда. Тижорат банкларининг кредит сиёсатида ҳам бу соҳа алоҳида эътиборга олинган. Бинобарин, банкларнинг 47,6 млрд сўмга тенг кредитлари ҳисобига минглаб гектар майдонлардаги боғ ва токзорлар қайта тикланади, янгилари барпо этилади.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг 145,9 млрд сўм кредитлари ҳисобига республиканинг ҳар бир қишлоқ туманида камида 10 та паррандачилик хўжалиги, 500 асалари оиласи, ҳар бир минтақада камида 30-40 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилади. Натижада ўн минглаб қишлоқ аҳолиси доимий иш билан таъминланади.

Ўтган йили бошланган “Ёш оилаларга – уй-жойлар” дастури бу йил ҳам давом эттирилади. Хусусан, шу йил охиригача республика минтақаларида

105 та кўп квартирали уй-жой курилади ва бунинг учун тижорат банкларининг 262,3 млрд. сўмдан ошиқ маблағлари йўналтирилади. Шунингдек, “Қишлоқ қурилиш банк” кредит ресурсларининг асосий қисми қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта яқка тартибдаги уй-жой қурилишига сарфланади.

Банклар сўнгги пайтда қишлоқ инфраструктурасини ўзгартириш жараёнларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу йил қишлоқ мавзеларида замонавий савдо-маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш объектларини яратиш учун 16 млрд сўм атрофида кредит ажратиш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга қишлоқларда яшовчи аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олиши учун ажратиладиган истеъмол кредитлари миқдорини 1,3 баробар оширишни режалаштирмоқда.

Банклар истиқболи жамият фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис улар мунтазам равишда ижтимоий йўналтирилган дастурларини кенгайтириб бормоқда. Банклар келгусида жамият ва тадбиркорлик ривожига ижобий таъсир кўрсатадиган, катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб бормоқда.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури ва кичик бизнес тузилмаларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, яратилган имтиёзлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитларини тарғиб қилиш, аҳолини тадбиркорлик билан фаол шуғулланишга жалб қилиш учун жойларда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар, бизнес-форумлар ўтказиб борилмоқда. Оилавий бюджетни шакллантириш, тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш, ёш оилаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш бўйича тренинглар ташкил этилмоқда, иқтидорли ва фаол хотин-қизларни рағбатлантириш чоралари кўриб борилмоқда. Таъкидлаш ўринлики, аҳолининг, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини

рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш омили бўлаётган бундай тадбирларни йил давомида ўтказиб бориш белгиланган.

Шунингдек, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида тижорат банклари филиаллари вакиллари республиканинг ҳар бир қишлоқ (маҳалла) фуқаролар йиғинларига бириктириб қўйилган. Улар ҳам тегишли ҳудудларда мунтазам равишда амалий учрашувлар ўтказиб бормоқда.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес режаларини фаол молиялаштириш билан мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижросига, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилишга муносиб ҳисса қўшади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, кичик бизнес лойиҳаларини хорижий кредит линиялари орқали молиялаш учун юртимизда яратилаётган қулай инвестицион муҳит келгусида кичик бизнесни мамлакатимиз ЯИМдаги улушини ортишига, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашдаги муаммоларни ижобий ҳал этишга ёрдам беради деган умиддамиз.

Хулоса ва таклифлар

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш муаммоларини аниқламай ва уларнинг ечимларини топмай туриб, иқтисодий ўсиш, ижтимоий муаммоларни, айниқса ишаизликнинг олдини олиш, аҳоли даромадларини ошириш, истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспортни ошириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келади. Юқоридаги муаммоларни ижобий ҳал етган Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулотнинг 67 % дан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғининг улушига тўғри келади ⁶.

Бозор иқтисодиёти йўлини танлаган мамлакатларда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан боғлиқ, ҳали ечимини топмаган муаммолар мавжуддир.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлашдаги асосий муаммолардан бири таъминотнинг етишмаслигидир. Бу мазкур соҳа вакилларининг кредит олиш имкониятларига тўсқинлик қилувчи асосий омил ҳисобланади.

Банклар кредит беришда уни қайтарилишини таъминлаш мақсадида кредит суммасининг 120-130 % и қийматида осон реализатсия қилинадиган таъминот шаклини талаб қилади. Бундан ташқари, қарз олувчининг кредит тарихига ега емаслиги ҳам кредит олиш еҳтимоллигини камайтиради, ёки юқори фоизларда ва қатъий шартлардагина кредит олиши мумкин бўлади.

Халқаро тажрибадан шуни кўриш мумкинки, мазкур муаммони ҳал етиш мақсадида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашнинг кафолатлаш механизмлари яратилган. Кўплаб давлатларда мазкур соҳа вакилларига кредит олишларида таъминот шаклини тақдим етувчи *кафолатлаш фондлари* фаолият юритади. Кафолатлаш фондининг ёрдами

билан кичик бизнес субектлари банк кредит ресурслари ва бошқа кредит ресурсларидан фаол равишда фойдаланиш имкониятига ега бўладилар. Кўплаб мамлакатларда бундай фондлар давлатнинг молиявий кўмаги билан яратилади. Ҳозирда жаҳонда 2 250 дан ортиқ кафолатлаш жамиятлари ва фондлари мавжуд (100 дан ортиқ мамлакатда) .

Асосан кўплаб кафолатлаш фондларининг ишлаш схемаси куйидагича: кафолатлаш фонди банкка олинадиган кредит суммасининг маълум бир қисми учун таъминот (кафолат) тақдим этади (қўшимча таъминот), кредит суммасининг қолган қисми еса тадбиркорнинг гаров мулки билан таъминланади. Агарда кредит олган тадбиркор кредитни банкка муддатида қайтара олмаса, тадбиркорнинг гаров мулки реализатсия қилинади. Агар бу кредит қолдиғини қоплашга етмаса, у ҳолда Кафолатлаш фонди ўзи томонидан кредитнинг кафолатланган қисмини банкка тўлаб беради. Бу тарзда кафолатлаш механизми *қарз олувчи* учун ҳам, *банк* учун ҳам, *давлат* учун ҳам фойдали ҳисобланади.

Бунда давлат кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнига реал таъсир ета олади. Ўз навбатида бундай кафолатлаш механизми ёрдамида давлат учун муҳим бўлган бир қанча мақсадларга яъни янги иш ўринларининг яратилиши, иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳоли даромадларининг ўсиши кабиларга еришиш имконияти туғилади.

Бу механизмнинг амал қилиши банклар учун ҳам фойдали бўлиб, бунда банк учун риск даражаси пасаяди (ўз навбатида кредит бўйича фоиз ставкалармнинг ҳам пасайиш ҳолати юзага келади). Банклар янги миждозларни, шу жумладан кичик бизнес вакиллариини жалб қилиш, мавжуд миждозларнинг кредит ресурсларига бўлган талабини қондириш, кредит портфелини (нисбатан хавфсиз шароитда) кенгайтириш ва бу орқали фойда кўриш, рискларни пасайтириш, захирага олинадиган маблағлар ҳажмини камайитириш имкониятларига ега бўлади.

Кафолатлаш фондларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик субектлари учун аҳамияти жуда катта. Бу фондлар етарли таъминотга ега бўлмаган

карз олувчи тадбиркорларнинг, айниқса рисклиликл даражаси юқори бўлганлиги учун банкдан кредит олиш еҳтимоллиги кам бўлган ҳолатларда асосан қуйидаги тадбиркорлик субъектлари учун жуда аҳамиятлидир: 1) ўз фаолиятини енди бошлаётган ва кредит тарихига ега бўлмаган тадбиркорлар; 2) инноватсия асосида янги фаолият тури билан шуғулланишни бошлаётган тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларини олиш имконийтларини кенгайтиради (чунки банк юқори даражадаги риск мавжуд бўлган ҳолатларда кредит берса ҳам юқори фоизлар асосида, таъминот шаклига нисбатан ҳам юқори талаблар қўйган ҳолда бериши мумкин).

Кафолатлаш фондлари бир қатор тамоийиллар асосида фаолият юритади:

1. Кафолатлаш фонди томинидан тақдим этиладиган кафолат ҳеч қачон кредит суммасининг 100 % и қийматида бўлмайди (Япония, Канада, Люксембург, Испанияда бундан мустасно), кредит суммасининг 50-80 % қиймати (турли мамлакатларда турлича белгиланади) нинг қайтарилиши фонд томонидан кафолатланади.

2. Кафолатлаш фондлари одатда кредитлар бўйича фоизлар ва жарима санксияларини тўлашни кафолатламайди.

3. Кафолатлаш фондларининг фаолияти кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг маълум доирасига нисбатан мўлжалланган. Бу доирага қирувчилар маълум мезон (критерия)ларга мос келиши орқали танланади: унинг мақоми; ишчилари сони; устав фондидаги миллий ва хорижий капитал ўртасидаги нисбат; молиявий ресурслардан фойдаланиш мақсади; қайси тармоқда фаолият юритиши; кредитланаётган лойиҳанинг натижасида олинадиган ижобий ижтимоий ёки иқтисодий самара (янги иш ўринларининг яратилиши, маҳаллий инфраструктуранинг ривожланиши).

4. Фонд томонидан кафолат тўлов асосида тақдим этилади. Бунда тўловчи ёки банк, ёки кичик тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкин. Тўлов миқдори кафолат суммаси ва у тақдим этиладиган муддатдан келиб чиқиб

катъий суммаларда ёки фоиз кўринишида белгиланади. Масалан, Японияда кафолат тақдим этилгани учун тўлов берилган кафолат қийматининг 0,8 % идан 1,35 %и гача, Корея, Малайзия, Полшада 0,5-2 %, Индонезияда 0,5-1,5 % ни ташкил қилади.

5. Кафолатлаш фонди томонидан тақдим этилган кафолатлар бўйича мажбуриятларининг бажарилиш манбаи бўлиб фонднинг кафолатлаш капитали, яъни қарз олувчини кредитлаётган банкларда очилган депозитларга жойлаштирилган алоҳида пул маблағлари суммаси ҳисобланади. Мазкур кафолатлаш капиталининг манбалари турлича, лекин одатда у давлат бюджети ва банкларнинг маблағлари ҳисобидан шакллантирилади. Баъзи давлатларда еса у халқаро донор ташкилотлар маблағлари евазига шаклланади.

6. Кафолатлаш фондларининг фаолияти капитал мултипликатори тамойили асосида амалга оширилади. Бу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, фонд томонидан берилган кафолатларнинг умумий қиймати кафолатлаш капиталининг умумий миқдоридан ҳаттоки, бир неча ўн баробар кўп бўлиши мумкин. Мазкур тамойил банк кредитларининг қайтмаслик кўрсаткичи (халқаро амалиётда 5-8 % чегарасида) га асосланади.

7. Кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар бўйича фонд томонидан кафолатлар тадбиркор кредит олмоқчи бўлган банк билан Кафолатлаш фонди ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина берилади.

8. Кафолатлаш фондалари ўзини-ўзи қоплайдиган ташкилотлар бўлиб, улар жорий фаолият билан боғлиқ харажатларини кафолат тақдим етганлик учун олинадиган тўлов ва банк депозитларига жойлаштирилган кафолатлаш капитали маблағларига ҳисобланган фоизлар (фоизларнинг бундан ортган қисми кафолатлаш капиталини оширишга йўналтирилади) ҳисобидан қоплайдилар.

Кичик бизнес соҳасида фақат анъанавий йўналишларни емас, балки инноватсион йўналишларни ҳам ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Ҳозирги замонда мамлакатнинг ҳар томонлама жадал суръатлар билан ривожланишида инноватсион фаолиятнинг ўрни жуда катта. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда инноватсион сиёсатни амалга оширишда кичик инноватсион корхоналарнинг ўрни бекиёс. Хорижий экспертларнинг фикрича, Америка ва Ғарбий Европада амалга оширилган XX асрдаги енг йирик кашфиётларнинг 79 % и кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келар экан.

Умуман олганда, ҳозирда мамлакатимизда ҳам кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётига аста-секинлик билан хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали жорий қилиш бўйича турли чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, иқтисодиётнинг бу сектори тузилмалари самарали фаолият олиб боришлари учун қўшимча имтиёзлар бериш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш мамлакатимизни модернизатсия қилиш, аҳолини кафолатли иш билан таъминлаш, улар турмуш даражасини ошириш стратегик мақсадларнинг гарови бўлиши шубҳасиздир.

Шуни қайд этиш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни микромолиялаш амалиётини ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- * бозор инфратузилмасини, шу жумладан, микромолиявий инфратузилмани ривожлантириш, ушбу хизмат бозорининг минтақалар бўйича мутаносиблигини таъминлаш;

- * мамлакатимизда микромолиялаш бозори кўламини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга бўлган талабини тўлароқ қондириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини банклар томонидан кредитлаш амалиётини янада такомиллаштириш, кредитлашнинг самарадорлигини ошириш, кичик бизнес вакиллари учун кредит ресурсларидан фойдаланишда янада кенг имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- * мамлакатимиз аҳолисининг микромолиявий хизматларга бўлган талаби юқоролигини инобатга олиб, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг самарали фаолият юритишларини таъминлаш мақсадида микромолиялаш бўйича ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

- * бугунги кунда таъминот масаласида муаммоларга дуч келган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Микрокредитбанк”, “Агробанк”, ва Халқ банкидаги мавжуд салоҳиятни инобатга олган ҳолда гуруҳли кредитлаш механизмини амалиётга жорий қилиш ⁷;

- * Малайзия давлати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микрокредитларнинг маълум миқдоригача (масалан, енг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдоригача) бўлган суммада таъминот талаб етмаслиги ҳақидаги нормани амалиётга татбиқ этиш бўйича “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритилиши микрокредитларнинг ажратилиши самарадорлигини ошишига олиб келиши мумкин ⁷;

- * микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар, шу жумладан, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратишда белгиланган муддатларда қайтган кредитларга имтиёзлар бериш, яъни йиллик фоиз ставкаларни тушириш;

- * кичик бизнес соҳасида фақат анъанавий йўналишларни емас, балки инноватсион йўналишларни ҳам ривожлантириш ва ўз навбатида бундай

йўналишларда фаолият юритувчи кичик бизнес вакилларига имтиёзлар асосида узоқ муддатли венчур кредитлар беришни йўлга қўйиш;

* кичик бизнес субъектлари, шунингдек банк ходимларини мунтазам равишда мазкур соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар, шунингдек, хориж тажрибалари билан таништириб боориш орқали уларнинг малакасини ошириш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан тўлиқ таништиришни таъминлаш, умуман олганда ахборот билан таъминлаш тизимини кучайтириш.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, юқорида келтирилган чора-тадбирлар, шунингдек “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат Дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда бу соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: “Шарқ”, 2011 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
3. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикаси “Банк сири тўғрисида”ги Қонун, Т.: “Адолат”, 2003 й.
5. Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи Қонунлар тўплами, Т.: “Ўзбекистон”, 2011 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни, 2006 йил 15 сентябрь.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, 2012 йил 26 апрель.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2012 йил 29 февраль.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987 сонли Фармони, 1998 йил 9 апрель.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2564 сонли Фармони, 2000 йил 21 март.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3750 сонли Фармони, 2006 йил 5 май.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4051 сонли Фармони, 2008 йил 10 ноябрь.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПФ-4058 сонли Фармони, 2008 йил 28ноябрь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4232 сонли Фармони, 2010 йил 28 июль.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4354 сонли Фармони, 2011 йил 24 август.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015- йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2010йил 27 ноябрь.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308 сонли Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047 сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050 сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1112 сонли Қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили » Давлат Дастури тўғрисидаги ПҚ-1474 сонли Қарори, 2011 йил 7 февраль.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1501 сонли Қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604 сонли Қарори.
24. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли Қарори, 2000 йил 19 май.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Микрокредитбанк” АТБ фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 78- сонли Қарори, 2006 йил 6 май.
26. Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунарамандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216- сонли Қарори, 2009 йил 29 июль.
27. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 май 195-сон «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда катнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 79-сонли Қарори, 2011 йил 19 март.
28. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳузуридаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 175- сонли Қарори, 2011 йил 16 июнь.
29. Адлия вазирлигида 2006 йил 8 августда 1548-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом.
30. Адлия вазирлигида 2010 йил 6 августда 907-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.
31. Адлия вазирлигида 2012 йил 20 мартда 2344-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом.
32. Каримов И.А., «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». – Т. : “Ўзбекистон”, 2005й.

33. Каримов И.А. «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир». – Т.: «Ўзбекистон», 2007й.
34. Каримов И.А. “Мамалакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”.- Т.: Ўзбекистон, 2008й.
35. Каримов И.А.«Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш ”.- Т.: Ўзбекистон, 2009й.
36. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009й.
37. Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”.- Т.: Ўзбекистон, 2010й.
38. Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”. Тузувчи Ф.М.Муллажонов. - Т.: Ўзбекистон, 2011й.
39. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил булади”, Ўқув қўлланма, Тошкент – 2012й.
40. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Тошкент-2013 й.
41. Ф.М.Муллажонов умумий таҳрири остида, «Ўзбекистон Республикаси банк тизими », – Т.: Ўзбекистон, 2011й, 273б.
42. Т.М. Қоралиев, М.Б. Хамидулин, В.А. Котов, О.Ш. Собиров. Хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш: амалий қўлланма. – Т.: Молия, 2006й.
43. Ш.З. Абдуллаева. “Банк иши”. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2010й.
44. Э. Эгамбердиев, Ҳ. Хўжакулов, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”, Т.: Маънавият, 2003й, 16-17б.

45. С.С. Ғуломов, “Тадбиркорлик ва кичик бизнес”, Т.: “Шарқ”, 2002й, 76.
46. Ўлмасов А., Ваҳобов А. “Иқтисодиёт назарияси”, Т.: “Шарқ”, 2006й, 142б.
47. Лапуста М.Г., Старостин Ю.А. “Малое предпринимательство”, М: ИНФРА-М, 1997, с-15.
48. Шпынова А.И., “Кредитование малых и средних предприятий: зарубежный и Российский опыт”, Москва-2009г, 43б.
49. Б. Зарипов, К. Утбасаров. “Гарантийный фонд в системе финансового кредитования малого бизнеса и частного предпринимательства” // Бозор, пул ва кредит, № 9, 2010й, 28-36б.
50. И. Турсунов, “Тадбиркорлик фаолияти – инновацион ривожланишнинг муҳим бўғини” // Бозор, пул ва кредит, № 2, 2010й, 56б.
51. Ольга Отто. “Развитие малого бизнеса и частного предпринимательства” // Бозор, пул ва кредит, № 3, 2011й, 12-13б.
52. Валентина Батурина. “Формирование деловой среды для развития малого инновационного предпринимательства” // Бозор, пул ва кредит, № 3, 2011й, 14-18б.
53. Ҳ.Абулқосимов, У. Азизов. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – тараққиёт омили” // Бозор, пул ва кредит, № 3, 2011й, 19-21б.
54. М. Раҳимов. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик макроиқтисодий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили” // Бозор, пул ва кредит, № 6, 2011, -22-23б.
55. “Ҳамкорбанк” ОАТБ ва Тошкент филиали йиллик ҳисобот маълумотлари.
56. Интернет сайтлари:
www.sbu.uz, www.bankir.uz, www.ha.korbank.uz, www.kreditbusiness.ru, www.lex.uz, www.smallbusiness.uz
www.infoman.uz
www.economist.ru

**“Ҳамкорбанк” ОАТБ бўйича Осиё тараққиёт банкининг “Кичик
бизнес ва микромолиялашни
ривожлантириш. 2-фаза” лойиҳаси тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

И. Хорижий кредит линияси ёки грант ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш тўғрисида маълумот.	
Кредит линияси маблағларини йўналтириш соҳаси.	Кичик ва микро бизнес субъектларини молиялаштириш мақсадида.
Кредит линияси маблағларини йўналтириш мақсади.	Асосий восита сотиб олиш ва айланма маблағларни кўпайтириш.
Ҳар бир лойиҳа бўйича ажратиладиган кредитнинг минимал ва максимал суммаси.	Микро кредит - 1.000 АҚШ Долларгача Кичик бизнесга - 20.000 АҚШ Долларгача.
Мазкур кредит линияси ҳисобидан ажратиладиган кредитнинг максимал муддати.	36 ойгача.
Банк томонидан мижозларга ажратиладиган кредитлар учун тўланадиган йиллик фоиз ставкаси.	АҚШ Долларидаги кредитлар учун энг камида 12% йиллик, миллий валютада берилган кредитлар учун энг камида 18% йиллик.
Лойиҳа бўйича бериладиган имтиёзли давр	12 ойгача
Ажратилган кредит учун мижознинг банкка тўлайдиган комиссиялари.	Йўқ.
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	Энг камида 30%.

субъектларининг лойиҳани молиялаштиришдаги улуши.	
Кредит ҳисобидан харид қилинадиган асбоб-ускуналарнинг келиб чиқиш мамлакати	ОТБ томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича.
Бошқа шартлар (<i>ушбу жадвалда кўзда тутилмаган бошқа муҳим шартлар кўрсатилади</i>)	1.Тадбиркор аёлларни қўллаш. 2. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоялаш мақсадида белгиланган меъёрларга амал қилиш. 3. Молиялаштиришдаги банкнинг улуши 50%ни ташкил қилади.

2-илова

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан жалб қилинган Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси кредит линияси тўғрисида маълумот

Хорижий кредит линияси ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш тўғрисида маълумот	
Кредит линияси маблағларининг йўналтириш соҳаси	Қишлоқ хўжалиги
Кредит линияси маблағларининг йўналтириш мақсади	Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун асосий воситалар ва хом-ашё сотиб олиш
Ҳар бир лойиҳа бўйича ажратиладиган кредитнинг максимал суммаси	Инвестиция мақсадлари учун - 300 000,0 АҚШ доллари Айланма маблағлар учун – 50 000,0 АҚШ доллари

Мазкур кредит линия ҳисобидан ажратиладиган кредитнинг максимал муддати	Айланма маблағларни тўлдириш учун – 18 ойгача; Инвестиция мақсадлари учун – 120 ой (10 йил) гача
Ажратилган кредит учун миқдор томонидан тўланадиган йиллик фоиз тўловлари	йиллик ЛИБОР (6 ойлик)+2%
Лойиҳа бўйича бериладиган имтиёзли давр	Айланма маблағларни тўлдириш учун – 6 ойгача; Инвестиция мақсадлари учун – 36 ой (3 йил) гача
Ажратилган кредит учун миқдорнинг банкка тўлайдиган комиссиялари	-
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳани молиялаштиришдаги улуши	25%
Кредит ҳисобидан харид қилинадиган асбоб-ускуналарнинг келиб чиқиш мамлакати	Чегараланмаган
Бошқа шартлар (<i>ушбу жадвалда кўзда тутилмаган бошқа муҳим шартлар кўрсатилади</i>)	Мазкур кредит линияси ҳисобидан кредитлар фақат Андижон, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари (шаҳар марказларидан ташқари)да фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига ажратилади

**Асака» банкда СоммерзбанК АГ (Германия) кредит линияси бўйича
МАЪЛУМОТ**

И. Хорижий кредит линияси ёки грант ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш тўғрисида маълумот	
Кредит линияси маблағларининг йўналтириш соҳаси	Саноат ёки қишлоқ хўжалиги
Кредит линияси маблағларининг йўналтириш мақсади	Импорт асбоб-ускуна ва технология сотиб олиш
Ҳар бир лойиҳа бўйича ажратиладиган кредитнинг максимал суммаси	Кредит линиясининг ўзлаштирилмаган сумма миқдоригача
Ҳар бир лойиҳа бўйича ажратиладиган кредитнинг минимал ва максимал суммаси	Минимал - 500 000 Евро, Максимал - кредит линиясининг ўзлаштирилмаган сумма миқдоригача.
Ажратилган кредит учун миждоз томонидан тўланадиган йиллик фоиз тўловлари	ЕУРОИБОР 6М + хорижий банк маржаси (йиллик 1.5-2.5%) + "Асака" банк маржаси (йиллик 4%)
Мазкур кредит линия ҳисобидан ажратиладиган кредитнинг максимал муддати	Кредит шартномасида индивидуал тарзда келишилади
Лойиҳа бўйича бериладиган имтиёзли давр	12 ойгача
Ажратилган кредит учун миждознинг банкка тўлайдиган комиссиялари	Бошқарув учун комиссия – кредит суммасининг 1%; Мажбурият комиссияси – йиллик 0,25%

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳани молиялаштиришдаги улуши	1) Лойиҳа қийматининг 15%дан кам бўлмаган миқдорда
Кредит ҳисобидан харид қилинадиган асбоб-ускуналарнинг келиб чиқиш мамлакати	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти аъзоси
Бошқа шартлар <i>(ушбу жадвалда кўзда тутилмаган бошқа муҳим шартлар кўрсатилади)</i>	Кредит линия бўйича гаров таъминоти сифатида Экспорт кредит Миллий агентлигининг суғурта полиси қатнашади, ЭКМА томонидан суғурта қиймати кредит суммасининг 8-12,5% ташкил қилади